

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ**

Тажибаев Сойиб Самижонович

**ЁШ БОКСЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ҲАРАКАТЛИ
ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ [PhD]
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори [PhD] диссертацияси автореферати
мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии [PhD] по педагогическим
наукам
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy [PhD] on pedagogical Sciences**

Тажибаев Сойиб Самижонович

Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш

методикаси..... 5

Тажибаев Сойиб Самижонович

Методика применения подвижных игр в системе подготовки юных

боксеров..... 23

Tajibaev Soyib

Method of applying mobile games in the system of preparation of young boxers..... 43

Эълон қилинган ишлар ўйхати..... 45

Список опубликованных работ..... 45

List of published works..... 45

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ТАЖИБАЕВ СОЙИБ САМИЖОНОВИЧ

ЁШ БОКСЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ҲАРАКАТЛИ
ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ [PhD]
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида B2017.1.PhD/Ped.6. рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.uz-djti.uz
ҳамда "ZiyoNet" ахборот-тўғлиқ портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халмухамедов Рустам Деканович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ханкелдиев Шер Хакимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Акрамов Абдумалик Абдумуталович
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил 28 июль соат 11 даги
мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон
кўчаси, 2-уй. Тел.: 268-08-58, факс: 268-09-98; Веб-сайт: www.uz-djti.uz Ўзбекистон давлат
жисмоний тарбия институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Ахборот-ресурс
марказида таништириш мумкин 2017 йил 14 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100052, Тошкент
шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 2-уй. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия
институти Маъмурий биноси, 2 қават, Тел.: 286-93-10, факс: 268-09-98)

Диссертация автореферати 2017 йил 15 июль кунин тарқатилди.
(2017 йил 14 июль даги 1 рақамли реестр баённомаси).



С.Сулайманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раис ўринбосари, тех.ф.д., профессор

А.К.Эштаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, п.ф.н., доцент

Т.С.Усмонхўжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ [фалсафа доктори [PhD] диссертацияси аннотацияси]

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, жисмоний тарбия ва спорт дунё ҳамжамиятининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жаҳонда болалар-ўсмирлар спорти назарияси ва амалиётида ёш спортчиларни саралаш, ўқув-машғулотларни режалаштириш, психологик, жисмоний, техник-тактик ва функционал тайёргарликда қўлланиладиган восита ва усулларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари ўтказилган. Спорт натижаларининг жадал ўсиши мазкур соҳада замон талабларига жавоб берадиган ўқув-машғулотларни ташкиллаштиришнинг оптимал тизимини излаб топиш талабини қўймоқда.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданок, жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда болалар спортининг ўрни ҳам бекиёсдир. Давлатимиз томонидан берилаётган эътибор миллат генофондини соғломлаштириш, ёшларимизни жисмоний тарбия ва спорт турларига жалб қилиш, уларнинг келажакда мамлакатимиз шарафини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар бўлиб етишишини таъминламоқда. XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 207 та жамоалар орасида 21-ўринни, боксчиларимиз жамоаси эса фахрли 1-ўринни эгаллаганлиги юқоридаги фикр мулоҳазаларнинг тасдиғидир¹.

Ёш спортчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ривожлантиришда шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув-машғулотларни замон талаблари асосида ташкиллаштириш болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва амалиётининг республика ва халқаро миқёсдаги долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. 11-13 ёшли боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилиб, ўйин юкламалари шиддати ва ҳажми меъёрлари аниқланди ҳамда ўқув машғулотлар жараёнига татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилди. Методиканинг самарадорлиги педагогик тажриба йўли орқали асослаб берилди. Спортчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш илмий-услубий жаҳатдан муҳим аҳамиятга эга. “Юқори малакали боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш [СПУДЭРГ-4]” компьютер дастури ишлаб чиқилди. Дастур асосида боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги баҳоланди ҳамда ўқув-машғулотларга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва амалиёти мазмунини бойитилиб, кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ПФ-3154-сон Фармони,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида”ги Фармойиши Тошкент ш., 2016 йил 23 август.

2017 йил 9 мартдаги “�збекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида [Япония] ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш ҳақида”ги ПФ-2821-сон Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги; Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётини шакллантириш” устувор йўналиши бўйича амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. А.К.Саитова, Э.З.Усмонова, Э.Ғ.Ғозиев, А.Жабборовлар болаларнинг ўқув мотивларини ривожлантиришда ўйин воситасининг қўлланилишини тадқиқ қилганлар. Е.Г.Бабушкин, Е.П.Ильин, В.Б.Антипин, А.Ф.Караваев, Л.В.Лебедева, Т.С.Чахлова, О.Г.Филимонова, Л.Г.Улясова, Л.П.Шумилин, А.В.Канатов ва бошқалар спорт мотивациясига доир илмий изланишлар олиб борганлар².

Илмий-услубий адабиётлар таҳлили жараёнида шу маълум бўлдики, мазкур тадқиқотларда спорт машғулотларига бўлган мотивацияни ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлигини ўрганиш масаласи назардан четда қолган.

В.П.Филин, В.И.Филимонов, В.Г.Никитушкин, А.Г.Ширяев, Л.В.Волков; В.Е.Котешов, Д.А.Тишлер, А.Д.Мовшович, Г.Д.Тишлер, Т.Бомпа, Р.Д.Халмухамедов, А.М.Ачилов, Ж.А.Акрамов, О.В.Гончарова, В.Н.Шин, С.С.Тажибаев, А.Кусиор, Т.С.Усмонхўжаев ва бошқалар томонидан болаларнинг ёш хусусиятларини инобатган олган ҳолда машғулоти юкламларини режалаштириш услубияти ишлаб чиқилган³.

² Саитова А.К., Система ценностей и мотивы учения у учащихся подростков: Автореф. дис. ... канд. психол. наук.-М., 1990.-20 с.; Усмонова Э.З. Мотивационная эмоциональная регуляция мышления в условиях интеллектуального конфликта. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.-104 с.; Ғозиев Э.Ғ., Жабборов А., Фаолият ва ҳуқуқ атидор мотивацияси: (Университетларнинг психология мутахассислиги учун ўқув қўлланма).-Тошкент, 2003. - 124 б.; Бабушкин. Е.Г. Формирование спортивной мотивации у боксеров на этапе начальной полготовки: Дисс.... канд. пед. наук: 13.00.04 / Е.Г. Бабушкин. - Омск. 2000. ~ 136 с.; Ильин. Е.П. Мотивация и мотивы /Е.П. Ильин. - СПб.: Питер, 2000. – 508 с.; Антипин В.Б. Формирование спортивной мотивации у боксеров на начальной спотивной специализации посредством удовлетворения их потребностей. Дисс. ... канд. пед. наук.- Омск., 2006. 226 с.; Караваев А.Ф., Лебедева Л.В., Чахлова Т.С., Филимонова О.Г. Формирование мотивации занятий художественной гимнастикой на первом году обучения //Спортмен как субъект деятельности. - Омск: ОГИФК, 1993. - С. 7-8.; Уляева. Л.Г. Динамика образа Я и мотивации в процессе занятий таэквон до: Автореф. дисс.... канд. психол. наук: 19.00.01 / Л.Г. Уляева. - М.,1999.-23 с; Шумилин,Л.П. Формирование мотивации результативности соревновательной деятельности юных дзюдоистов: Дисс. ... канд. пед. наук:13.00.04 / Л.П. Шумилин. - Красноярск. 2003.- 144 с.; Канатов. А.В. Формирование спортивной мотивации у юных баскетболистов на этапе углубленной специализации: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук: 13.00.04 / А.В. Канатов. - Тюмень. 2005. - 26 с.

³ Филин В.П. Воспитательная работа с юными спортсменами //Система подготовки спортивного резерва. - М.: ВНИИФК, 1994. - С. 57-90.; Филимонов В.И. Физическая подготовка боксера. - М., 1990 - 160 с.; Система подготовки спортивного резерва/ Под общ. Ред. В.Г. Никитушкина. -М., 1994.-319 с.; Ширяев А.Г. Педагогические основы организации содержания многолетней подготовки спортсмена (на примере бокса): Автореф. дис. ...канд.пед.наук/ А.Г. Ширяев.-М., 1997.-25 с.; Волков Л.В. Спортивная подготовка детей и подростков. - К.: Вежа, 1998. - С. 190.; Котешов В.Е. Методология управления адаптацией спортсменов к специальным двигательным действиям в боксе. Автореф. дисс.... доктор.пед.наук/ В.Е. Котешов.-Краснодар, 1998. - 45с.; Тышлер Д.А., Мовшович А.Д., Тышлер Г.Д. Многолетняя тренировка юных фехтовальщиков: Учебное пособие. - М.. 2002. - 254 с.; Подготовка юных чемпионов: Пер. с англ. / Т.Бомпа-М.: ООО “Издательство Астрель”: ООО “Издательство АСТ”, 2003.-XII, 259, [1] с.: ил. Р.Д.Халмухамедов “Бокс”. Ўқув қўлланма. Тошкент 2008. 308 бет.; Ачилов А.М, Акрамов Ж.А, Гончарова О.В. Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш. «Лидер Пресс» нашриёти, Тошкент. 2009. С-198.; Ачилов А.М, Халмухамедов Р.Д, Шин В.Н, Тажибаев С.С, Ражабов Ғ.Қ. “Ёш боксчиларни тайёрлаш асослари” “МУМТОЗ СЎЗ” 2012 й. 228бет.; COACHES MANUAL. Prepared by: AIBA HQs Office. Coordinator: Adam Kusior, AIBA Coaches Comission Chairman Philip Jun. DATE:AUGUST 2011, 275 pg.: Usmonxodjaev T.S., Abdullaev Sh.A., Soliev A.O.,

В.А.Фель, Л.П.Фатеева, Л.В.Волков, Ф.Керимов, Н.Юсупов, Н.В.Луткова, Л.Н.Мишина, О.П.Бауэр, М.Н.Жуков, Л.В.Билеева, М.А.Курбонова, Т.С.Усманхўжаев, Ш.Х.Исроилов, А.А.Пулатов ва бошқалар спортчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтганлар⁴.

Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва амалиётида ёш спортчиларни ҳаракат тайёргарлиги юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Шу билан бирга, ҳаракатли ўйинлар ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида энг самарали восита сифатида тавсия этилган. Лекин ўқув машғулотлар жараёнига татбиқ этишнинг методикаси ишлаб чиқилмаган ҳамда унинг самарадорлигини педагогик тажрибада асослаб бериш юзасидан махсус тадқиқотлар ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги; Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўсмирлар спорти ва олий малакали спортчиларни тайёрлашнинг психологик-педагогик ва физиологик-гигиеник асослари” ҳамда “Ўзбекистон терма жамоаларида юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табақалаштирилган ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланган ҳолда 11-13 ёшдаги боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва тажрибада асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш муаммолари ҳолатини ўрганиш ва ҳаракатли ўйинларни уларнинг ривожланишига ижобий таъсир қилиш имкониятларини аниқлаш.

11-13 ёшдаги боксчилар ҳаракат тайёргарлигининг ёшга хос динамикаси хусусиятларини аниқлаш.

Бошланғич тайёргарлик босиқчида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг ўқув-машғулотлари жараёнида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси мазмуни ва йўналишини ўрганиш.

Табақалаштирилган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланган ҳолда 11-13 ёшдаги боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ошириш методикасини ишлаб чиқиш ва тажрибада асослаш.

⁴ Фель В.А. Игровой метод развития специальных качеств фехтовальщиков в группах начальной спортивной подготовки. Автореф. дис. ... кан. пед. наук.-Минск. 1989. -23с.; Л.П.Фатеева - 301 подвижных игр для младших школьников. Популярное пособие для родителей и педагогов. - Ярославль: Академия развития. 1998. - С. 4-5.; Усмонхўжаев Т.С., Қосимова М.У. 500 машқ ва ҳаракатли ўйинлар 2-қисм.Тошкент.1999. с 4-15.; Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев Олимпийская литература. 2002. – 290 с.; Керимов Ф, Юсупов Н. Кураш учун ҳаракатли ўйинлар.Тошкент, 2003. С. 69.; Луткова Н.В., Мишина Л.Н. Подвижные игры как средство решения педагогических задач в различных звеньях физического воспитания: Учебно-методическое пособие / – СПб.: СПбГАФК, 2003. – 83 с.; Бауэр О.П. Организация и методика проведения подвижных игр // Подвижные игры: организация и методика проведения. – М., 2004, С.9-28.; Жуков М.Н. Подвижные игры: Учебник для студентов пед. вузов. 2-е изд., стереотип. – М.: Академия, 2004. – 160 с.; Былеева Л.В. Подвижные игры: Практический материал: Учеб. пособие. – М.: ТВТ Дивизион, 2005. – 277 с.; М.А.Курбонова, М.У.

Тадқиқотнинг объекти 11-13 ёшдаги боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлиги жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети 11-13 ёшдаги боксчилар машғулот жараёнида табақалаштирилган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг усуллари. илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўрови, педагогик тестлаш, пулсометрия [“Polar” технологияси], антропометрия, инструментал усул, видео таҳлил, педагогик тажриба ва математик статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг спорт тўғаракларини ташлаб кетиш сабаблари ва спорт билан шуғулланишга бўлган мотивацияси аниқланган;

ёш боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш дастури ишлаб чиқилди ва бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг умумий, махсус жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишининг ёшга хос динамикаси аниқланди;

ҳаракатли ўйинлар ва бокс спортига хос ҳаракат фаолиятлари биокинематикаси ўзаро таққосланиб, ҳаракатларнинг ўхшашлиги аниқланган; бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилди, ўйинларнинг шиддати ва ҳажми меъёрлари аниқланиб, уларни ўқув машғулотлар жараёнига татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“Юқори малакали боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш [СПУДЭРГ-4]” компьютер дастури ишлаб чиқилди; бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг спорт тўғаракларини ташлаб кетиш сабаблари аниқланиб, бу ҳолатни олдини олишда амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

Яккакураш спорт турларига ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бошланғич тайёргарлик босқичининг 1-ўқув йилида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг ўқув-машғулотларига ҳаракатли ўйинларни қўллаш меъёрлари тақсимлаб берилган;

11-13 ёшли боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилиб, уларнинг шиддати ва ҳажми меъёрлари аниқланиб, ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси [билишнинг диалектик методи] ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз, чет эл олимлари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи тренерларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги;

тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларнинг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг

репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида қўлга киритилган маълумотлар бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ривожлан тириш муаммоларига тааллуқли болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва амалиёти мазмунини бойитади ва кенгайтиради.

11-13 ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилиб, ўйин юкламалари шиддати, ҳажми ва маъёрлари аниқланди ҳамда уларни ўқув-машғул�лар жараёнига татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилди ва унинг самарадорлиги педагогик тажриба йўли орқали асослаб берилди.

11-13 ёшли боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш учун компьютер дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурдан нафақат ёш боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлашда балки юқори малакали боксчиларни, таэквондочиларни, кикбоксинг билан шуғулланувчи спортчиларнинг ҳам махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлардан олинган илмий-услубий ва дидактик маълумотларни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказида Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига ўқитиладиган “Болалар ва ўсмирлар спортидаги долзарб масалалар” модулининг ўқув дастурларига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамизда фаолият юритувчи бокс спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ўсмирлар спорт мактабларида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг ўқув-машғул�лари жараёнига 11-13 ёшли боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини оширишда табақалаштирилган ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси татбиқ этилди. Натижалар қуйидагича бўлди: 11-13 ёшли боксчиларнинг чаққонлик сифати 11,8-13,5 % га, тезкор-куч сифати 15-17% га, куч сифати 18,5-23,8% га, эгилувчанлик 41-47% га, чидамлилик 14-16 %га ўсишига эришилди.

Ҳаракатли ўйинларни қўллаган ҳолда ёш боксчиларни техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш методикаси самарадорлиги қуйидагича бўлди: 11-13 ёшли боксчиларда оёқ ҳаракатлари 9-13% га, ҳимоя ҳаракатлари 11- 15%га, тактик ҳаракатлар 13-17%га яхшиланди. Тадқиқот натижалари “Boks nazariyasi va uslubi” [рўйхатга олиш рақами-335-034] ва “Yakkakurash sport turlari “Boks”” [рўйхатга олиш рақами -32-022], “Bokschilarning sport-pedagogik

mahoratini oshirish” [DGU 02989] электрон мультимедиа дарсликлари мазмунида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 40 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан 2 та дарслик, электрон мультимедиа дарслик, компьютер дастури, 2 та ўқув қўлланма, 3 та ўқув-услубий қўлланма, услубий қўлланма, 2 та услубий тавсиянома, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола [5 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда] чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат. 150 саҳифа матн, 28 та расм, 26 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

“Ёш спортчилар ҳаракат тайёргарлигининг назарий ва методологик жиҳатлари” деб номланган биринчи бобда болаларнинг жисмоний сифатларни ривожлантириш асослари, анатомик-физиологик хусусиятлари, уларнинг техник ҳаракатларининг биокинематик хусусиятлари, болаларда спорт фаолиятига бўлган мотивация ҳамда ёш спортчиларни тайёрлашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишнинг усуллари ёритиб берилган.

Ёш спортчиларнинг жисмоний ривожланишини фаоллаштирувчи ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантирувчи воситаларни танлаш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан кўпгина илмий изланишлар олиб борилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Мутахассисларнинг [А.Г.Ширяев, 1997; Л.В.Волков, 2002] фикр мулоҳазаларига кўра, айнан бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш спортчиларнинг тўлақонли жисмоний ривожланиши ва уларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш, спорт турининг дастлабки техник ҳаракатлари элементларини ўзлаштириш учун пойдевор ҳосил бўлиши 10-13

ёшлар оралиғига тўғри келар экан. Муаллифларнинг фикрига кўра, шу босқичда болаларда зарур ҳаракат кўникмалари айниқса яхши ўзлаштирилиб, мустаҳкамланар экан. Шу ўринда муаллифлар ҳаракатли ўйинларни самарали восита сифатида ўз ишларида тавсия этишган. Аммо тавсия этилган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишда уларнинг шиддати ва ҳажми меъёрларини аниқлаш ва ўқув-машғулотларига татбиқ этиш методикасини ишлаб чиқиш борасида етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Бокс техникасида кўп сонли ҳимояланиш ва ҳужумга ўтиш ҳаракатларини амалга оширишни қийинлаштирувчи ёки қулайлаштирувчи ҳолатларга, яъни жойидан кўзғалиш, силжиш, ҳужумга ўтиш ва ҳимояга ўтиш ҳаракатларига мос ҳолда оёқлар билан мувофиқ тарзда ишлашга алоҳида эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Мазкур масаланинг ечимини топиш мақсадида Республикамизнинг турли вилоят, туман ва қишлоқларида фаолият кўрсатувчи ҳар хил тоифадаги тренерлар ўртасида суҳбат ва анкета сўровномаси ўтказилганда 68-71% респондентлар бошланғич тайёргарлик босқичида ёш боксчиларнинг техник тайёргарлигини оширишда ҳаракатли ўйинларни қўллашни тавсия этишди.

Қатор мутахассислар ёш боксчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини оширишда ҳаракатли ўйинларни самарали восита сифатида тавсия этишган. Бироқ тавсия этилган ҳаракатли ўйинларнинг боксда бажариладиган ҳаракатлар биокинематикаси билан ўхшашликларини таққослаш юзасидан илмий тадқиқот ишлари етарлича ўтказилмаганлиги илмий-услубий адабиётларнинг таҳлилидан маълум бўлди.

Спорт тури билан шуғулланиш давомийлиги ва бу йўналишда юқори кўрсаткичларга эришиш шахснинг фаоллиги билан белгиланиб, унинг асосида эса айнан мотивация ётади. Ўтказилган анкета сўровномалари натижалари шунини кўрсатдики, ўқув-машғулотлар жараёнида ўйин усуллариининг кам қўлланилаётганлиги болаларда спорт турига бўлган мотивациянинг сўнаётганлигидан дарак беради. Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг мотивациясини оширишда шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган восита ва усулларни аниқлаш ҳамда самарадорлигини педагогик тажриба йўли орқали асослаш зарурати юзага келади.

Бошланғич тайёргарлик босқичида ўқув-машғулотларни ўзгаришсиз ва бир хиллиги шуғулланувчиларнинг қизиқишини, тайёргарлик самарадорлигини пасайтирувчи омил ҳисобланади. Ўйин услубини қўллаш эса машғулотлар самарадорлигини оширувчи восита сифатида кўрсатилар экан, бошланғич тайёргарлик босқичида ёш спортчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини шакллантириш учун танланган спорт турига турдош бўлган ҳаракатли ўйинларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

“11-13 ёшдаги боксчиларнинг жисмоний ривожланиши ва ҳаракат тайёргарлиги динамикаси” деб номланган учинчи бобда ёш боксчиларнинг

спорт тўғаракларида шуғулланишга бўлган мотивацияларини белгилаб берувчи омиллар, 11-13 ёшли боксчиларнинг умумий ва махсус тайёргарлиги ва жисмоний ривожланиши динамикаси ҳамда ҳимоя ҳаракатлари техникасини бажариш кўникмаларининг шаклланганлик кўрсаткичлари ёритиб берилган.

Спорт машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасида ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштиришда спортчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашда замонавий АКТ ва инструментал методикалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлган самарали усуллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси билан ҳамкорликда “Юқори малакали боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш [СПУДЭРГ-4]” компьютер дастури ишлаб чиқилди. Компьютер дастури асосида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги [МЖТ] баҳоланди ҳамда ўқув-машғулотларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

1-жадвал

11-13 ёшли боксчиларда тезкор-куч сифатининг ривожланиш динамикаси
[8 сонияли тест]

Ёш	Вазн x	Кўрсаткичлар					
		Зарба сони σ $x_{\pm}$	Зарба кучининг умумий оғирлиги Σ σ $x_{\pm}$	Иш куввати	ПЧК	ПЧИ	КФИҚИ
11 ёш	30,6 кг	22,33±0,92	250,5±7,6	1,02	0,84	0,85	20,05
12 ёш	36,45 кг	28,99±0,84	337,74±11,88	1,15	1,14	1,31	38
13 ёш	42,33кг	26,35±3,30	630,35±1,19	1,86	0,86	1,59	41,89

Эслатма: ПЧК – портловчан чидамлилиқ коэффициент; ПЧИ – портловчан чидамлилиқ индекси; КФИҚИ – креатинфосфат иш қобилияти индекси.

Ёш боксчиларда тезкор-куч сифтининг ривожланиш динамикасини таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги натижаларга эътибор қаратдик [1-жадвал]. Унга кўра, 11 ва 12 ёшдаги боксчиларда зарбалар сони қиёсий солиштирилганда кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончли [$p < 0,05$], аммо зарбаларнинг оғирлигида статистик фарқлар ишончли эмас [$p > 0,005$]. Бироқ 12 ёшлиларда 13 ёшдаги боксчиларнинг 8 сония оралиғида бажарган зарбалар сони кўрсаткичларидан ўртача 2 мартага кўплиги аниқланган [$p > 0,005$]. Лекин 12 ёшли боксчилар зарбалари кучининг оғирлиги ўртача 337,74±11,88 кг.ни, 13

ёшлиларда эса ўртача $630,35 \pm 1,19$ кг.ни ташкил этди [$p < 0,001$].

Олинган натижаларни бошланғич тайёргарлик босқичининг назорат меъёрлари билан таққослаш шуни кўрсатадики, улар БЎСМ учун йилдан йилга кўчириш назорат меъёрларидан ишончли тарзда паст [$p < 0,05$]. Бу шунга асос бўла оладики, боксда анъанавий тайёргарлик методикаси боксчиларнинг махсус сифатларини тарбиялаш нуқтаи назаридан махсус жисмоний тайёргарликни самарали ривожлантиришга ёрдам бермайди.

Тадқиқот ишимизнинг вазифаларидан яна бири бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг техник кўникмаларини баҳолашдан иборат эди. Мазкур вазифани хал этишда 10 нафар юқори малакали мутахассислардан ташкил топган экспертлар жамоаси ташкил этилди.

Баҳолаш маъқуллаш йўли орқали амалга оширилди. Бунда экспертлар фикрларининг мувофиқлик даражасини гуруҳда баҳолаш учун конкордация [W] коэффицентидан фойдаланилди. У бизнинг тадқиқотларимизда етарлича юқори [W-0,864] ҳамда ишончли [$p < 0,05$] бўлди. Бу экспертлар фикрларининг ҳақиқатдан ҳам ўзаро мос келганлигидан гувоҳлик беради. Олинаётган маълумотларнинг объективлигини ошириш учун асосий квалиметрия

ғояларига мувофиқ ҳолда экспертизани тайёрлаш ва ўтказишда барча зарур талабларга риоя қилинди.


Тадқиқотлар давомида экспертлар томонидан боксчиларда кўп учрайдиган хатолар белгиланди: берилаётган зарбадан ҳимояланишни вақтидан олдин бажариш; ҳимояга ўтишда кечикиш; оғишлар ва шўнғишлар билан ҳимояланишларни катта амплитудада бажариш; гавда ва оёқлар ҳаракати ўртасидаги координациянинг бузилиши; орқага чекиниш билан ҳимояланишда масофани ҳаддан ортиқ узайтириб юбориш ва бошқалар.

Экспертлар томонидан боксчиларнинг техник ҳаракатлари қуйидагича баҳоланди: “аъло” - техник ҳаракатларнинг мутлақо тўғри бажарилиши -86-100 балл; “яхши” - техник ҳаракатларнинг кичик хатолар билан бажарилиши - 71-85 балл; “қониқарли” - ҳаракатларнинг катта хатолар билан бажарилиши - 56-70 балл; “қониқарсиз” - бажарилган техник ҳаракатлар -55 баллдан кам.

Боксда ҳимояланишлар боксчи тайёргарлигининг энг муҳим бўлими ҳисобланади. Боксчининг техник жиҳатдан қуролланганлигининг асосий мазмунини ташкил этади. Агар техник маҳорат даражаси зарба вариантларининг кенг тўплами билан белгиланса, унда боксчининг жанговар қобиляти айнан ҳимояланиш ҳаракатлари тўплами билан белгиланади [В.И.Филимонов, 2000; А.Г.Ширяев, 2002; М.Натmaker, 2004; Р.Д.Халмухамедов, 2008 А.Kusior, 2011].

Ёш боксчиларнинг гавда ёрдамида ҳимоя ҳаракатлари техникасини бажариш кўникмалари кўрсаткичлари 1-расмда келтирилган. Гавда ёрдамида ҳимоя усуллариининг энг самаралиларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳимоя ҳаракатларини 11 ёшли боксчиларнинг 8% “яхши”, 33% “қониқарли”, 59% “қониқарсиз” бажарган.

%



1-расм. 11-13 ёшли боксчиларнинг гавда ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатлари техникасининг кўрсаткичлари

12 ёшли боксчиларда гавда ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатларини бажариш кўникмаси 13%да “яхши”, 30%да – “қониқарли”, 57%да – “қониқар сиз” баҳоланган. Ушбу ёшдаги боксчиларнинг аксарияти ўнгга ва чапга шўнғиш билан ҳимояланиш ҳаракатлари кўникмаларини “қониқарсиз”

бажарганлар. Ёш спортчиларда шўнғишлар билан ҳимояланишларни катта амплитудада бажариш каби хатолар кўп кузатилди.

13 ёшли боксчиларнинг гавда ёрдамида ҳимоя ҳаракатини бажариш кўникмалари [ўнгга ва чапга оғиш, ўнгга ҳамда чапга шўнғиш] экспертлар томонидан “қониқарли” баҳоланган. Ушбу ёшдаги спортчиларда оғишлар ва шўнғишлар билан ҳимояланишларни катта амплитудада бажариш каби хато кўпроқ кузатилди.

Мазкур ҳолат бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг техник тайёргарлигида қўлланилаётган восита ва усулларга ўзгартиришлар киритиш талабини юзага келтиради. Шу билан биргаликда қўллар ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатларининг самарасизлиги уларнинг жисмоний тайёргарлигида ҳам камчиликлар борлиги билан тушунтирилади.

“Ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш асосида ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини мақсадли ривожлантириш методикаси” деб номланган тўртинчи бобда 11-13 ёшли боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни табақалаштирилиши [анкета сўровномаси асосида], уларнинг қўлланилиш шиддати ва ҳажми меъёрлари, ҳаракатли ўйинлар ва бокс спортидаги ҳаракат фаолиятлари биокинематикасининг ўзаро қиёсий таҳлили, ёш боксчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги ҳамда уларнинг техник тайёргарлиги динамикаси баён этилган.

Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва анкета сўровномаси натижаларига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни ўқув-машғулот жараёнига татбиқ этиш учун ўйинларнинг шиддати

ва ҳажми меъёрларини аниқлаш ва уларни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди.

Ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни табақалаштиришда болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубияти соҳасида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига таянилди. Бокс спорт турларида тренерлик фаолиятини олиб бораётган мутахассисларнинг фикр мулоҳазалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш асосида амалга оширилди.

Спорт физиологлари И.Азимов, Ш.Содиқовлар [1993] фикрларига кўра, тезкор-куч сифати ҳаракат техникасининг ривожланишини ва айрим мускулларнинг кучланиш даражасининг ўсишини таъминлайди.

Тезкор-куч машқларининг бажарилишида организмдаги физиологик силжишлар қуйидаги омилларга боғлиқ бўлган катор хусусиятлар билан шартланган: а) асосан анаэроб йўл орқали энергия билан таъминланадиган ҳаракатлар юқори қувватининг ўзига хослиги; б) ҳаракатнинг энг охирида вегетатив функция кўрсаткичлари. Респондентлар томонидан юқори балл билан баҳоланган ҳаракатли ўйинлар [“Аравачалар мусобақаси”; “Ким бир оёқда тез сакраш”; “Панжа уриш”; “Тарвуз отиш эстафетаси”; “Тўлдирма тўп билан югуриш”] худди шу хусусиятларга эга [2-жадвал].

Тезкор-куч сифатини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг шиддати ва ҳажми меъёрларини қуйидагича белгилаб олдик: чигалёзди машқларидан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичлари бир дақиқада ўртача $112 \pm 8,12$ зарба атрофида бўлади. Ўйин вақтида иштирокчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичлари бир дақиқада ўртача $180 \pm 10,2$ зарбага етади.

2-жадвал

Ёш боксчиларнинг тезкор-куч сифатини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг қўлланилиш шиддати ва ҳажми меъёрлари

т/р	Ўйин номлари	ЮҚТ зар/дақ					Дам олиш вақти	Дам олишдан сўнг		Хажм и [сон]	Меъёр и [март]
		Тинч ҳолат да	Ўйиндан олдин	Ўйин вақтида							
1	“Аравачалар мусобақаси”	76±6	112±8,12	ид	180±10,2	и	45-60	120±12	и	12-14	2-3-4
2	“Қўзиқорин териш”	72±12	104±14	да ти	182±12,4	д д	55-70	120±14	д д	25-30	2-3
3	“Ким бир оёқда тез сакраш”	72±8	114±8,22	ки чи к	186±11	а т и	45-60	120±8	а т и	10-12	3-4

4	“Панжа уриш”	76±10	108±12,1	Ш	176±14,2	ю к о р и ш	45-60	110±8,8	к и ч и к Ш	20-25	2-3
5	“Тарвуз отиш эстафетаси”	72±12	104±14		182±10,2		55-70	120±14		30-45	2-3
6	“Тўлдирма тўп билан югуриш”	76±8	110±4,6		186±8,4		45-60	112±7,5		20-25	2-3
7	“Чигиртка”	72±8	112±7,22		186±11		45-60	120±8		10-12	3-4
8	“Кун ва тун” [бир оёқда югурилади]	76±4,4	118±6,14		182±16		45-60	122±7		20-24	3-4
9	“Бир дақиқада юзта зарба”	74±10	115±8,12		186±11		45-60	120±8		10-12	3-4
10	“Ким кучлироқ”	77±6,8	108±10,2		180±8,4		55-70	120±8		30-35	2-3
11	“Кенгулар”	75±7,4	109±8,42		187±11		45-60	120±8		10-12	3-4
12	“Сакровчи чумчуқлар”	75±7,4	109±8,42		182±8,23		45-60	120±8		30-35	2-3


Эслатма: ЮКТ – юрак қисқариш тезлиги.

Ўйиннинг давом этиш вақти 12-14 сонияни ташкил этади. Такрорлашлар сони 11-12 ёшлиларда -2-3 марта, 13 ёшлиларда -3-4 марта.

Ўйинларни такрорлаш сонини 11-12 ёшлиларда 2-3 марта деб белгилаб олишимизга сабаб шуки, ўйин 4 марта такроран қўлланилганда баъзи спортчиларда чарчаш ҳақида шикоят, юрак уриши ва нафас олишининг тезлашиши, оёқларда қалтираш ва ҳ. к. салбий ҳолатлар юзага келди. Шунинг учун ушбу ёшларда “Аравачалар мусобақаси” ўйинини 2-3 марта такрорлаш мақсадга мувофиқ. Дам олиш вақти 45-60 сония деб белгиланди. 45-60 сониядан қисқа вақт давомида шуғулланувчиларнинг ЮКТ кўрсаткичи дастлабки ҳолатга қайтмади.

Тадқиқот ишлари жараёнида бошланғич тайёргарлик босқичи учун ажратилган 1 йиллик соатларни таҳлил қилар эканмиз, ўйинлар умумий жисмоний тайёргарликда 4%, махсус жисмоний тайёргарликда 3%, техник тайёргарликда 2%ни ташкил этиши аниқланди. Ушбу аниқланган маълумот бизга бугунги кунда ёш боксчиларни тайёрлашда ҳаракатли ўйинларнинг машғулот жараёнига татбиқ этилиши жуда кам фоизни ташкил қилишини

ҳамда машғулотлар юқори малакали спортчиларнинг дастур материалларидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилаётганлигини кўрсатди. Умумий жисмоний тайёргарлик учун ажратилган соатларнинг 21,8%, махсус жисмоний тайёргарликка ажратилган соатларнинг 9%, техник тайёргарлик учун ажратилган соатларнинг 18% ҳаракатли ўйинлар учун ажратилди [2-расм].



2-расм. Ҳаракатли ўйинларнинг тайёргарлик турлари бўйича тақсимланиши

Боксчилар беллашувининг энергия таъминоти жисмоний иш қобилияти нинг учта асосий таркибий қисми билан таъминланади: алактат-анаэроб [креатинфосфат], гликолитик-анаэроб ва аэроб.

Қатор муаллифларнинг маълумотларига кўра, биринчи, иккинчи таркиб ушбу спорт турида кўпроқ махсус иш қобилияти ҳолатини акс эттиради. Аэроб таркибий қисми эса нисбатан кам махсусликка эга.

Йил бошида олинган натижаларга кўра, А.О.Акопян [2005] ҳаммуаллифлари билан ва бошқалар томонидан берилган мазкур ёшдаги боксчиларнинг тезкор-куч сифати меъёр талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Ёш боксчилар тезкор-куч сифатини ривожлантиришда шиддати ва ҳажми меъёрлари ишлаб чиқилган ҳаракатли ўйинларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида педагогик тажриба ўтказилди.

Педагогик тажриба натижаларига кўра, 11 ёшли боксчиларда 8 сония давомида бажарилган зарбалар сонининг йиллик ўсиши тажриба гуруҳида [ТГ] 51,68%га, назорат гуруҳида [НГ] эса 30,55%га тенг [$p < 0,001$]. Ушбу кўрсаткич 13 ёшли боксчиларда НГда 3 мартага, ТГда 7 мартага ошган [3-жадвал].

3-жадвал

Ёш боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги динамикаси
[n-192]

№	Кўрсаткич	11 ёшлилар [n-62]						12 ёшлилар [n-58]					
		НГ		ТГ		t	P	НГ		ТГ		t	P
		Х±б	V%	Х±б	V%			Х±б	V%	Х±б	V%		

	лар													
1	P _{yp} кг	<u>31±2,55</u> 34,5±2,57	<u>8,22</u> 7,44	<u>30,6±2</u> <u>39</u> 34±2, 41	<u>7,81</u> 7,08	<u>1,7</u> <u>0</u> 1,0 6	<u>>0,1</u> >0,1	<u>35,5±1,36</u> 41,10±1,62	<u>3,8</u> <u>3</u> 3,9 4	<u>35,75±1,</u> <u>62</u> 40,80±1, 88	<u>4,5</u> <u>3</u> 4,6 0	<u>0,53</u> 0,5 4	<u>>0,1</u> >0,1	
2	8сN марта	<u>18±1,52</u> 23,5±1,96	<u>8,44</u> 8,34	<u>17,8±1</u> <u>28</u> 27±1,3 2	<u>7,19</u> 4,88	<u>0,4</u> <u>5</u> 5,68	<u>>0,1</u> <0,00 1	<u>19±1,52</u> 23,5±1,96	<u>8,4</u> <u>4</u> 8,3 4	<u>19±1,28</u> 28±1,32	<u>6,7</u> <u>3</u> 4, 71	<u>0,45</u> 5,68	<u>>0,1</u> <0,00 1	
3	8сF/Σ кг	<u>213±26,</u> <u>20</u> 302,5±3 0,8	<u>12</u> <u>3</u> 0 10 ,1 8	<u>218,9±2</u> <u>8,1</u> 344,2±2 2,5	<u>12,</u> <u>85</u> 6,54	<u>1,2</u> <u>3</u> 6,85	<u>>0,</u> <u>1</u> <0,00 1	<u>321,5±2</u> <u>9,9</u> 368,9±2 5,8	<u>9,3</u> <u>0</u> 6,9 9	<u>322±30,9</u> 414±24,54	<u>9,5</u> <u>2</u> 5,9 2	<u>0,39</u> 6,85	<u>>0,1</u> <0,00 1	
4	Иш куват и	<u>0,86±0</u> <u>08</u> 1,10±0 ,12	<u>9,30</u> 10,9	<u>0,89±</u> <u>0,08</u> 1,27± 0,07	<u>8,9</u> <u>8</u> 5,51	<u>1,5</u> <u>4</u> 9,63	<u>>0,0</u> <u>5</u> <0,00 1	<u>1,12±0,06</u> 1,14±0,05	<u>5,3</u> <u>5</u> 4,3 8	<u>1,13±0,07</u> 1,26±0,07	<u>6,1</u> <u>2</u> 5,8 8	<u>1,54</u> 9,63	<u>>0,05</u> <0,00 1	
5	ПЧК	<u>1,06±0</u> <u>14</u> 1,06±0 ,08	<u>13</u> <u>2</u> 0 7, 56	<u>1,03±</u> <u>0,12</u> 1,08± 0,09	<u>11</u> <u>6</u> 8 8, 33	<u>1,8</u> <u>5</u> 1,0 5	<u>>0,0</u> <u>5</u> >0,05	<u>0,97±0,03</u> 1,09±0,05	<u>3,0</u> <u>2</u> 4,5 8	<u>0,90±0,04</u> 1±0,05	<u>4,4</u> <u>4</u> 5	<u>1,13</u> 1,35	<u>>0,05</u> >0,05	
6	ПЧИ	<u>0,91±0</u> <u>09</u> 1,16±0 ,12	<u>9,89</u> 10,3 4	<u>0,92±</u> <u>0,08</u> 1,37± 0,11	<u>8,69</u> 8,02	<u>1,44</u> 2,36	<u>>0,0</u> <u>5</u> <0,05	<u>1,09±0,05</u> 1,24±0,06	<u>4,5</u> <u>8</u> 5,1 7	<u>1,02±0,05</u> 1,26±0,04	<u>4,9</u> <u>0</u> 3,1 7	<u>1,4</u> <u>4</u> 2,36	<u>>0,0</u> <u>5</u> <0,05	
7	КФИҚ и	<u>16,39±1</u> <u>19</u> 27,30±2 ,49	<u>7,26</u> 9,14	<u>16,39±</u> <u>1,24</u> 36,90±2 ,43	<u>7,56</u> 6,58	<u>0,05</u> 6,55	<u>>0,</u> <u>1</u> <0,00 1	<u>20,72±2,</u> <u>94</u> 29,16±2, 49	<u>14</u> <u>1</u> 8, 53	<u>19,39±2</u> <u>85</u> 35,34±2 ,44	<u>14</u> <u>6</u> 9 4, 07	<u>0,0</u> <u>5</u> 6,55	<u>>0,</u> <u>1</u> <0,00 1	

Эслатма: Суратда тажрибадан олдинги натижалар; Махражда тажрибадан кейинги натижалар;
P_{yp},кг - тана оғирлигининг ўртача кўрсаткичи; 8с, марта - саккиз сонияда бажарилган зарбалар
сони; 8сF/Σ, кг - 8 сонияда бажарилган зарбаларнинг умумий оғирлиги йиғиндиси; ПЧК –

портловчан чидамлилиқ коэффициенти; ПЧИ – портловчан чидамлилиқ индекси; КФИҚИ – креатинфосфат иш қобилияти индекси.

Мускулларда креатинфосфатнинг қанчалиқ кўплиги боксчиларнинг жанг вақтида ҳар хил техник-тактик ҳаракатларни бажаришда жангни юқори жадалликда олиб бориб ғалабага эришишини таъминлайди [В.А.Киселев, А.И.Качурин, 1997; В.А.Киселев, С.И.Шербаков, В.Д.Тхинь, 2001; Е.В.Калмиков, 2009]. Шундай экан, креатинфосфат иш қобилияти индекси қанча юқори бўлса, натижалиликнинг шунча ошишига сабаб бўлади.

Боксчиларда креатинфосфат иш қобилияти индексини атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ушбу кўрсаткич бўйича энг юқори қайд этилган натижалар 11 ёшли боксчиларнинг ТГда аниқланди [125,13%]. 13 ёшли боксчиларда ушбу кўрсаткичнинг йиллик ўсиши 30,84%га тенг.

Педагогик тажриба натижаларига кўра, НГ боксчиларининг тезлик сифати ривожланиши фоиз ҳисобида кўрилганда 3,82% га, ТГ боксчиларида эса ушбу кўрсаткич 12,12% га ўсган. Кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончлилиги [$p < 0,001$] га тенг [4-жадвал].

4-жадвал

11 ёшли боксчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги динамикаси
[педагогик тажриба]

№	Кўрсаткичлар	НГ n=32		ТГ n=30		t	P
		$\bar{X} \pm \sigma$	V%	$\bar{X} \pm \sigma$	V%		
1.	30 м.га югуриш [с]	$\frac{6,24 \pm 0,34}{6,01 \pm 0,41}$	$\frac{5,44}{6,82}$	$\frac{6,23 \pm 0,38}{5,36 \pm 0,37}$	$\frac{6,09}{6,90}$	$\frac{0,80}{13,4}$	$\frac{>0,4}{<0,001}$
2.	Моқисмон югуриш 4x10 м [с]	$\frac{11,96 \pm 1,94}{11,78 \pm 2,18}$	$\frac{16,22}{18,50}$	$\frac{11,97 \pm 1,74}{11,35 \pm 1,35}$	$\frac{14,53}{11,89}$	$\frac{0,12}{4,54}$	$\frac{>0,8}{<0,001}$
3.	Турган жойида қўлни ишлатмасдан узунликка сакраш [м]	$\frac{1,22 \pm 0,19}{1,25 \pm 0,17}$	$\frac{15,57}{14,16}$	$\frac{1,20 \pm 0,18}{1,32 \pm 0,11}$	$\frac{15}{8,33}$	$\frac{0,72}{2,96}$	$\frac{>0,4}{<0,01}$
4.	Юқорига сакраш [Абалаков бўйича] [см]	$\frac{25,33 \pm 2,09}{28,35 \pm 2,18}$	$\frac{11,44}{7,68}$	$\frac{25,23 \pm 2,34}{32 \pm 2,30}$	$\frac{9,27}{7,18}$	$\frac{0,14}{9,30}$	$\frac{>0,8}{<0,001}$
